



**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI**  
**BOG'OT TUMANI HOKIMINING**  
**QARORI**

Bog'ot shaharchasi, O'zbekiston ko'chasi, 18-uy

2021 -yil 3 - Mart

322 u -son

Bog'ot shaharchasi

Фуқаро Матёқубова Гулчехра Султоновнани вояга етмаган неваралари 2012 йил 31 январда туғилган Қозоқова Анора Сотиболди қизига ва 2014 йил 23 майда туғилган Қозоқов Нурбек Сотиболди ўғлига нисбатан васий этиб тайинлаш тўғрисида.

Ўзбекистон Республикаси “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги Қонунининг 10, 42-моддалари ва Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 22 сентябрдаги 269-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги низомнинг 9, 63, 66 ва 67-бандларига мувофиқ

**Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:**

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги “Васийлик ва ҳомийлик” комиссиясининг 2021 йил 23 февралдаги хулосаси инобатга олинсин.

2. Боғот тумани “Навбахор” маҳалласида яшовчи фуқаро 1960 йил 5 августда туғилган Матёқубова Гулчехра Султоновнани вояга етмаган неваралари 2012 йил 31 январда туғилган Қозоқова Анора Сотиболди қизига ва 2014 йил 23 майда туғилган Қозоқов Нурбек Сотиболди ўғлига нисбатан васий этиб тайинлансин.

3. Туман халқ таълими бўлими мудири Т.Мирзаевга:

- Мазкур қарорни бир кун муддатда аризагўйга (тайинланган васийга) юбориш таъминлансин.

- Васий ва ҳомий ҳуқуқларининг амалга оширилишини ҳамда мажбуриятларининг бажарилиши устидан назорат ўрнатсин.

- Васийликка олинаётган шахслар ҳақидаги тўлиқ маълумотлар белгиланган муддатда давлат реестрига киритиш учун туман ҳокимлигига тақдим этилсин.

4. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Р.Шарипов зиммасига юклатилсин.

Боғот тумани ҳокими  
вазифасини бажарувчи

Ш.Яхшибаев